

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БЎЙРУҒИ

**54** Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1572-2*

*(2011 йил 18 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сонли «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сонлар, 301-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2006 йил 5 апрелдаги 58-сонли буйруғи билан тасдиқланган Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига (рўйхат рақами 1572, 2006 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 167-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради

**Бошлик**

**А. НИМАТУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 26 январь,  
2-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.